**Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида тобора чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар ўз натижасини бермоқда. Яқинда матбуотда эълон қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Президент Фармони тиббиёт соҳасида янада жиддий янгиланишлар сари ташланган қадам бўлди. Ушбу ҳужжат ўз мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда янги босқич бўлиши, табиий.**

### Соғлиқни сақлаш:

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Чунки замонавий, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш, ҳар жиҳатдан баркамол авлодни вояга етказиш мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг 1998 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони асосида соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларнинг биринчи босқичи муваффақиятли якунланди. Мамлакатимизда бирламчи тиббий-санитария бўғинида тубдан сифатли ўзгартиришлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда қишлоқларда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган уч мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Аҳолига юқори малакали бепул шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ягона тизим яратилди. Тизим Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий Маркази, унинг вилоятлардаги филиаллари, 173 та шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ва тез тиббий ёрдам хизматларидан иборат. Айни пайтда жарроҳлик, кардиология, кўз микрохирургияси ва урология соҳаларида энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ишлаб турибди.

Президентимиз томонидан мазкур Фармоннинг қабул қилиниши, табиийки, соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларнинг янги босқичига тамал тоши қўяди. Зеро, бу ҳужжатда беморларга вилоят миқёсида ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи, юқори технологиялар билан жиҳозланган кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилиши кўрсатиб ўтилган. Қолаверса, бу янгиланиш туман миқёсида бошқарув сиёсати ва молиявий менежментнинг тубдан ўзгартирилишига асос яратади. Ушбу Фармонга мувофиқ, ҳар бир вилоятда кўп тармоқли тиббиёт марказлари ташкил этилади. Уларда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида ягона даволаш ва диагностика стандартлари жорий этилиб, амалиётга татбиқ қилиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун услубий-амалий қўлланмалар яратиш ишлари бошлаб юборилди.

**▼ Фармон ва ижро**

Фармон билан белгиланган йўналишлардан яна бири – бу ҳар бир вилоятда тиббий диагностика марказларини ташкил этишдир. Табиийки, ушбу марказлар ҳам замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, малакали кадрлар билан таъминланиб, моддий-техника базаси яхшиланади. Бошқарув органи сифатида туман тиббиёт бирлашмаси ташкил этилади. Ҳудуддаги барча тиббиёт муассасаларига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш унинг зиммасига ўтади. Бу эса, турган гапки, тизимнинг туман бўғинида тиббий хизматларни ягона стандартлар асосида олиб борилишига, энг муҳими, самарали санитария-эпидемиология назоратини йўлга қўйишга имконият яратади. Агар шу вақтгача туманда кам қувватли стационар даволаш-профилактика муассасалари фаолият кўрсатиб келган бўлса, эндиликда ушбу тоифадаги муассасалар тугатилиб, туман марказий шифохоналари таркибига бўлимлар сифатида қўшилиши кўзда тутилган. Бошқарув ва ижро интизоми назорати кучайиши пировардида асосий кўзланган мақсад, яъни аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Республикада ишлаб турган тўртта тиббиёт маркази тажрибасидан келиб чиққан ҳолда янги Фармонга кўра, соғлиқни сақлаш тизимида Акушерлик ва гинекология, Педиатрия, Терапия ва тиббий реабилитация, Дерматология ва венерология, Фтизиатрия ва пульмонология ҳамда Эндокринологияга ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ташкил этилади. Бундан мақсад хизмат савиясини янада юқори даражага кўтаришдир. Мазкур ихтисослашган тиббий Марказлар жаҳон андозаларига мос бўлган тиббиёт муассаси сифатида республикамиз аҳолисига мураккаб бўлган ва юқори технологиялар асосида даволаниши лозим бўлган касалликларда тиббий хизмат кўрсатади.

Президентимиз томонидан имзоланган ушбу Фармоннинг яна эътиборли жиҳати шундаки, унда пуллик тиббий хизмат кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари товарлар (иш, хизматлар) сотиш ҳажмларидан тушадиган даромадларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар ва ягона ижтимоий тўловлардан ташқари, беш йил муддатга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилиши ҳам кўрсатиб ўтилди.

Ҳозир тизимда 1,7 мингдан ортиқ хусусий тиббиёт муассасалари ва 2,1 мингдан ортиқ якка тартибдаги шифокорлар билан бир қаторда давлат секторида вазирликка қарашли 600 дан ортиқ даволаш-профилактика муассасалари аҳолига пуллик хизмат кўрсатиб келмоқда. Ушбу муассасаларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўлами ва тури кенгайиб, тизимда сервис соҳаси ривожланмоқда.

Фармон қабул қилингунга қадар тиббиёт муассасалари фақат 2 йил муддатга барча солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этилган эди. Табиийки, ушбу муддат улар тўлақонли ривожланиб, рақобатбардош тадбиркорлик субъектига айланишига имкон яратиши қийин эди. Янги имтиёз эса хусусий тиббиёт муассасалари салоҳияти янада ошишига, уларда кўрсатилаётган тиббий хизмат даражасини ривожланган давлатлар миқёсига кўтарилишига замин яратади, десак тўғри бўлади.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, мазкур ҳужжатда давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт муассасаларини ҳам замонавий андозаларга мос биноларда ташкил этишга алоҳида урғу берилган. Зеро, уларни тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган барча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатишни ягона даволаш-диагностика стандартларига биноан ташкил этиш замон талабидир. Ана шу нуқтаи-назардан қараганда, ушбу Фармон Президент томонидан сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги изчил сиёсатнинг мантиқий давомидир. Зеро, ислоҳотлар мамлакатимизда халқаро андозалардаги тиббий хизмат асосларини яратибгина қолмай, унга янада кенг йўл очишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**Абдували АЪЗАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқармаси бошлиғи.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

...эътибор тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли стандартлаштириш, метрология, маҳсулот ҳамда хизматларни сертификатлаштириш янада такомил-

## ФАОЛИЯТИНГИЗ ХАЛҚАРО СТАНДАРТГА МОСМИ?

лаштирилмоқда. Унинг халқаро меъёр ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва сифат тизимини жорий этиш бўйича изчил ислоҳотлар олиб борилялти.

Мамлакатимизнинг стандартлаштириш бўйича идораси — "Ўзстандарт" агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган республика илмий-амалий семинарида мутахассислар мазкур тизимнинг долзарб муаммолари ва унинг ечими бўйича атрофлича фикр алмашдилар. Айни пайтда ўта муҳим бўлган жаҳон бўйича техник мувофиқликка эришиш, шунингдек, экология ва қурилиш ишларида стандартлаштиришнинг аҳамияти ҳамда уларни кенгроқ қўллаш масалалари каби бир қатор мавзулар бўйича маърузалар қилинди.

Семинар иши якуни бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

## Сайлов қонунчилигини ўрганамиз

***Бугунги ҳаётимизни қонунларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Турмушимизда учраётган барча чигалликлар учун қонунларимизда тўлатўкис жавоблар бор. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан муштарийларимиз жўнатаётган мактублар ҳам Марказий сайлов комиссиясида тезликда ўз ечимини топмоқда. Биз газетхонларимизнинг бугунги саволларига жавоб бериш учун Марказий сайлов комиссияси аъзоси Темур ШИРИНОВни таҳририятга таклиф қилдик.***

***— Менинг участка сайлов комиссиясида ишлашга хоҳишим бор. Аммо ҳеч бир сиёсий партия аъзоси эмасман. Демак, комиссия таркибида ишлай олмас эканман-да?***

— «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига мувофиқ, сиз сайлов комиссиясига аъзо бўла оласиз. Чунки бу моддада кўрсатилишича, сайлов ҳуқуқига эга, бирон-бир сиёсий партиянинг аъзоси бўлмаган, депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакили этиб кўрсатилмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлов комиссияларининг аъзоси бўлишлари мумкин.

***— Мен Тошкент шаҳридаги корхоналардан бирида ишлайман. Яшаш жойим эса Тўйтепада. Мен ҳам Тўйтепада, ҳам корхона атрофидаги сайлов участкасида овоз беришим мумкинми?***

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига биноан, сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

Сайловчи бошқа сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эмас. Демак, сиз фақат рўйхатга киритилган яшаш жойингиздагина овоз бериш ҳуқуқига эгасиз.

***— Сайлов жараёнида кузатувчилар қандай ҳуқуқларга эга?***

— Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасидан тўлиқ маълумот олишингиз мумкин. Унда кўрсатилишича, кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

***Одатда, инсон ҳаётда сарҳисоб билан яшайди. Бошидан кечирганлари, қилган ишлари, бажарадиган режалари, эришган ютуқлари, орзу-умидлари — барчасини сарҳисоб қилади. Шу маънода, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасини халқимиз истиқлол йилларида амалга оширган тарихий ишларнинг сарҳисоби, деб баҳолагим келади.***

## МЕҲНАТ ҚИЛИБ ТОПГАНИНГ — ҚАНДУ АСАЛ ТОТГАНИНГ

Шахсан мен маърузадан жуда таъсирландим. Ўтган кунларимизни бугунги ҳаёт билан таққослаб, хулосалар чиқардим.

Дарҳақиқат, биз ким эдиг-у, ким бўлдик?

Авваламбор, биз қарамликдан қутилдик. Мустақил яшаш илмини эгалладик. Мустақил йўлимизни танлаб, бир мақсадда жипслашдик.

Албатта, буларнинг ҳаммасига эришиш осон бўлмади. Ютуқлар ўз-ўзидан келмайди-да. Уларнинг замирида халқимизнинг заҳматли меҳнати, интилишлари, илму заковати, юксак салоҳияти мужассам. Бугун бизни дунё ҳам тан олди. Мамлакатимизнинг барча тармоқларида ўсиш, юксалиш рўй бераяпти.

**▼ Дил изҳори**

Биргина қишлоқ хўжалигини олиб кўрайлик. Кейинги йилларда соҳада туб ўзгаришлар рўй берганига барчамиз гувоҳмиз. Хўжалик юритишнинг эски шаклларидан бутунлай воз кечилди. Фермерлик ҳаракати кенг йўлга қўйилди. Натижада кам бўлмадик. Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришилди. Бугун ғалла ва ун маҳсулотлари ҳатто четга экспорт қилинаяпти. Нафақат аҳолини ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш, балки гўшт, сут, сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш имкониятига ҳам эгамиз. Пахтамизни ўзимиз қайта ишлаяпмиз. Бу борадаги ютуқларимиз салмоғи ниҳоятда катта. Буни бугун ҳар биримиз кўриб турибмиз.

Мен — фермерман. Ана шу ишда ўз ҳиссам борлигидан қувонаман. Оиламиз билан ўз тақдиримизни фермерлик ҳаракати билан боғлаганимизга ҳам ўн йилдан ошди. Бугун фермерларнинг самарали ишлашлари, тажриба ва имкониятларини намоён этишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Буни кундалик ҳаётимизда дилдан ҳис қилаяпмиз. Меҳнатимиз рағбат топаётгани боис ишимиз унумли бўлаётир.

Фермер хўжалигимиз биргина 2006 йилда 41 млн. сўм миқдорида соф фойда олди. Бу бизнинг миллионер фермер эканимизни кўрсатади. Бундай бойликка эга бўлган кишининг шўролар даврида ҳоли не кечишини бир тасаввур қилиб кўринг. Бугуннинг эса йўриғи бошқа. Ҳалол меҳнат қил, бой бўл, қандингни ур. Бошқалар ҳам меҳнатингдан рўшнолик кўрсин. Жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси ана шундай эркка, ўз қадр-қимматига, ҳалол меҳнати, заҳмати билан жамият ривожига ҳисса қўшиш имконига эга.

Оиламиздагилар, турмуш ўртоғим, фарзандларим фермерлик ишимда менга қўш қанот. Қарийб 125 гектар майдонда етиштирилаётган ҳосил, ноз-неъматлар халқимиз дастурхонини безаяпти. Ўтган йили 55 гектар ерда ғўза парваришлаб, 250 тонна ҳосил олдим. Ҳосилдорликни гектарига 50 центнерга етказдик. Ғалла ҳосилдорлиги эса гектар ҳисобига 55 центнерни ташкил этди. Бу — бизнинг шароитда салмоқли кўрсаткич. Бу аслида фермер хўжалигимизда меҳнат қилаётган 70 нафар кишининг фидойи меҳнати нишонасидир.

Яратганга шукр. Самарали меҳнат қилиш учун барча шароит бор. Техника ва молиявий ресурсларимиз етарли. Боғларимиз, сабзавот далаларимиз ҳосилга тўла. Бу йилги пахта хирмонимиз ҳам сарбаланд бўлди. Ҳозир далалардан сўнгги дурдоналарни йиғиштириб олаяпмиз. Келгуси йил ҳосили учун ҳам тайёргарликни бошлаб юбордик.

Айтмоқчиманки, бугун ҳар кимда шижоат, ташаббус, интилиш бўлиши керак. Ёнингизда юксак туйғулар билан яшаётган, меҳнат қилаётган кишига елкадош бўлиш, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлардан завқланиш, фахрланиш туйғуси қалбимиздан жой олсин, дейман. Шунда Ватанимиз истиқболи, толеи янада баланд, улуғ ишларимиз салмоғи эса тағин-да залворли бўлади.

**Ғулмат ҲАЙТМЕТОВ,**
**Гурлан туманидаги «Ҳайтиммат ота» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## ЗАМИН ТИЛСИМИНИ ОЧАЁТГАНЛАР




*Табиий бойликларга кон юртимиз замини тилсимини очиб, унинг қаъридан нефть ва газ захираларини қазиб чиқариш ишларига "Қашқадарё пармалаш ишлари" очиқ акционерлик жамияти муносиб улуш қўшмоқда. 545 ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу жамоа айни пайтда "Алан", "Денгизкўл", "Шимолий Помуқ", "Шўртан" ҳамда "Гармистон" конларида қизиш ишларини олиб боряпти.*

*Жамият аъзолари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 34 минг 290 метр қазиш ишлари бажарилиб, 11 та нефть ва газ қудуқлари қайта ишлаш заводларига топширилди. Бу белгиланган асосий кўрсаткичларнинг муваффақиятли бажарилганидан далолат беради. Жамиятнинг изланувчан, фидойи ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимларининг бу шарафли ишлари давлатимиз иқтисодининг тобора гуллаб-яшнаши, халқимиз турмушининг янада тўкин бўлишига хизмат қилади.*

**СУРАТДА:** жамият бурғуловчилари.

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.**

## САЙЁҲЛИК РИВОЖЛАНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сайёҳлик барқарор ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланиб, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва ўзаро муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда меҳмонхона хўжалиги, сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқлари изчил ривожланмоқда. Соҳада банд бўлганлар сони, дам олиш масканлари тобора кўпаймоқда. Хусусий бизнеснинг сайёҳлик хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 90 фоизни ташкил этади. Мутахассислар фикрича, 2010 йилга бориб ўлкамизга келадиган сайёҳлар сони 3,5 баробар ортади.

"Ипак йўли туризми" XIII Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси иштирокчилар ва намойиш этилган лойиҳалар сонининг кўплиги, сайёҳлик соҳасининг янги йўналишлари намойиши жиҳатидан ҳам аввалгиларидан ажралиб турди. Ярмаркада мамлакатимиз ва хорижнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари ўз лойиҳаларини тақдим этдилар.

Миллий ва халқаро сайёҳлик ташкилотлари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар, банк хизматлари, суғурта компаниялари ҳамда оромгоҳлар вакиллари иштирок этган ушбу ярмаркада мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, бетакрор ва хушманзара, ноёб меъморий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари, фотоэкспозициялар намойиш этилди. Ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**Бугун мамлакатимизни айланган кишининг жойларда амалга оширилган бунёдкорлик, ободончилик ишларидан баҳри-дили очилиб кетади. Сабаби, республикамизнинг турли бурчакларида қад ростлаётган муҳташам иншоотлар атрофлари, кенг ва равон йўлларнинг бўйлари қурилиш ишларига ҳамоҳанг тарзда кўкаламзорлаштирилмоқда. Ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, манзарали дарахтлар ўтказиляпти. Қувонарлиси, бундай хайрли ишнинг ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Бу мустақиллик йилларида шаҳару қишлоқларимизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор кучайиб, соҳага эскича ва номақбул қарашлар барҳам топганининг мевасидир.**

### Япон софораси ва сохта каштан:

# ҲАМ ЎРМОН, ҲАМ ДОРИ-ДАРМОН

Дарҳақиқат, ҳозирги талаб умуман бошқача: йўл ёқалари, истироҳат боғлари, сайилгоҳлар бўладими, экилган ҳар туп дарахт кишига нафақат ором бериши, балки атроф-муҳитга мутлақо безарар, фойдали бўлиши шарт. Шу боис эндиликда атмосфера ҳавосини тозалайдиган, шовқин-суронни ушлайдиган, шунингдек, шифобахш хусусиятлари бисёр дарахт ниҳоллари ўтқазилаётир. Япон софораси, халқона айтганда, тухумак ва сохта каштан ана шундай фойдали дарахтлар сирасига киради.

Хўш, бу дарахтлар қандай хусусиятлари билан ажралиб туради? Келинг, дастлаб япон софораси – тухумак ҳақида сўз юритайлик.

Бу ўсимлик дуккакдошлар оиласига мансуб бўлиб, асли ватани – Хитой ва Япония. Республикамизда у манзарали дарахт сифатида ўстирилади. Негаки, уни иссиқ ва қуруқ иқлим шароитида ўстириш жуда қулай бўлиб, дам олиш масканларида, саноат корхоналари атрофида, кўча, хиёбон, истироҳат боғларида қатор қилиб, гуруҳлаб, ҳаттоки, якка ҳолда экилганда ҳам ажойиб манзара беради. Энг муҳими, экологик муҳитни яхшилашда аҳамияти беқиёс, фармацевтика саноати учун қимматбаҳо хом ашё манбаи. Нега деганда, тухумакнинг мевасигина эмас, ҳатто гулғунчаси ва барги ҳам шифобахшдир. Гулғунчаси ва баргида кўп миқдорда флавоноидлар (рутин) бўлса, мевасида В, С витаминлари, бўёқ ва бошқа кўпгина моддалар мавжуд.

Табобат илмидан бохабар киши яхши биладики, рутин фармацевтика саноатида қиёси йўқ хом ашё бўлиб, ундан витамин Р каби тез таъсир қилувчи таблетка ва порошок тайёрланади. Улар қон томирларининг ўтказувчанлиги бузилиши ва мўрт бўлиб қолиши оқибатида келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олишда ҳамда даволашда қўлланилади. Мевасидан тайёрланган спиртли тиндирма (настойка) тери куйганда, йирингли яраларни даволашда малҳам экан.

Тухумак қимматбаҳо ёғоч бериши туфайли мебель саноатида ва қурилиш соҳасида ҳам ниҳоятда қадрланади. Чунки унинг пишиқ ва мустаҳкам ёғочи мебель, паркет тайёрлашда, айниқса, ҳар хил ўймакорлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда жуда қўл келади. Ёш новдалари ва мевасидан эса ипак матоларни бўяш учун юқори сифатли сариқ бўёқ олинади.

Сохта каштан (ғайри каштан, деб ҳам юритилади)нинг фойдали хусусиятлари тухумакникидан асло қолишмайди. Ватани Греция, Ўрта Осиё ва Кавказорти республикалари бўлган мазкур дарахт ҳам мамлакатимизда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки сохта каштан энг чиройли манзара ҳосил қилувчи дарахтлар сирасига киради. Унинг бутун танаси йирик шамларга ўхшаш гуллар билан қопланган даврини кўрган киши буни яхши биладилади, албатта. Унинг шарсимон, пирамидасимон, устунсимон танаси оқ-сарғиш, пушти-қизил, баъзи ҳолларда оқ-қора ва тилларанг гулли манзара берадиган хиллари мавжуд. Кўчалар, сайилгоҳ ва турли истироҳат боғларига экиш учун қулай бўлиб, гуруҳлаб, қаторлаб, айниқса, кўкаламзор ялангликка якка ҳолда экилганда жуда гўзал манзара беради. У 200-300 йилгача яшайди. Бизнинг шароитда эса зараркунандалар билан деярли зарарланмайди. Тана илдизи ҳамда ён илдизлари мустаҳкамлиги туфайли кучли шамол эсадиган ерларда ҳам бемалол ўсаверади.

Унинг аҳамияти чиройли манзара беришини билангина изоҳланмайди. Гули, новда пўстлоғи ва меваси доривор ҳисобланади. Жумладан, унинг пўстлоғи таркибида эскулин, фракцин гликозитлари, сапонинлар, ёғ, ошловчи ва бошқа моддалар бўлса, гули рутин, пектин, флавоноидларга бой. Уруғида эса флавоноидлар, сапонинлар, ёғлар, крахмал, ошловчи моддалар, шунингдек, ҳар хил бирикмалар учрайди. Сохта каштан дарахтининг ёғочидан, шунингдек, енгил фанер, вино бочкаси ясалади ҳамда ўймакорлик ишларида кенг фойдаланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги "Япон софораси ва сохта каштан дарахти кўчатларини экиш-

**▼ Бугуннинг гапи**

ни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори биз, соҳа ходимларини хурсанд қилиб юборди. Ушбу доривор дарахтларни кўпайтириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш, келгуси ишлар дастурини белгилаб берди.

Мазкур ҳужжатга кўра, 2008-2012 йиллар ичида 8110 минг туп япон софораси ҳамда 1183 минг туп сохта каштан кўчатлари экилиши кўзда тутилган. Жумладан, 2008 йилда 1030 минг туп япон софораси, 175 минг туп сохта каштан ниҳоллари ўтқазилади. Бу муддат оралиғида Ўрмон хўжалиги бош бошқармасида ташкил қилинган 47 та кўчатхонада 9293 минг тупдан ортиқ ушбу дарахт ниҳоллари етиштириб берилади.

Айни пайтда тухумак ва сохта каштан мевалари пишиб етилган. Шу боис бир томонда ҳосилни йиғиб-териб олиш ишлари қизғин бораётган бўлса, бошқа томонда кўчатлар ўтқазиладиган жойлар ва зарур бўладиган ниҳол сонлари аниқланяпти. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўрмон хўжаликлари кўчатхоналари билан шартнома тузилади. Бу ҳаракатлардан кўзланган мақсад қарорда кўзда тутилган вазифаларни вақтида адо этишдир. Чунки япон софораси ва сохта каштан дарахтларининг кўпайиши нафақат шаҳару қишлоқларимиз чиройига-чирой қўшади, балки фармацевтика саноати ва бошқа бир қатор соҳаларни қимматбаҳо хом ашё билан таъминлаш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси юрт ободлиги, атроф-муҳит мусаффолиги, демакки, миллатимиз саломатлигига хизмат қилади.

**Собиржон ЭРГАШЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи.**

**Сўнгги вақтларда банк тизимида янги-янги хизмат турлари, атама ва тушунчалар пайдо бўлди. Уларнинг аксарияти, дейлик, кредит ахбороти, кредит ахбороти алмашинуви тизими каби тушунчалар кўпчиликка унчалик тушунарли бўлмаслиги табиий, албатта. Шу боис бу тизимнинг кредит олувчилар ҳамда банклар учун зарурияти ва аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институти директори Нурали ХОЛМУРАТОВ билан суҳбатлашдик.**

# КРЕДИТ АХБОРОТИ АЛМАШИНУВИ

## иқтисодиётда қандай ўрин тутади?

**— Нурали ака, суҳбатимиз аввалида мамлакатимизда кредит ахбороти алмашинуви тизими, унинг қай даражада шаклланаётганлиги хусусида гапириб берсангиз...**

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан республикамизда Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчилардан бўлиб кредит ахборотини ҳисобга олишнинг икки поғонали тизими — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Кредит ахбороти миллий институти ва Ўзбекистон Банклари ассоциациясида Банклараро кредит бюроси ташкил этилди.

Бу, таъбир жоиз бўлса, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш жараёни учун чинакам янгилик бўлди. Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, Кредит ахбороти миллий институти Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг департамент ҳуқуқидаги таркибий қисми ҳисобланади. Биз банкларни қарздорлар тўғрисидаги кредит ахбороти билан таъминлаш, банк тизимида кредит интизомини мустаҳкамлаш ва кредит таваккалчилигини камайтириш мақсадида ташкил этилган кредит ахборотининг ягона реестрини юритамиз.

Маълумки, Кредит ахбороти, оддий тилда айтганда, бу қарздорнинг олган кредитини қандай қайтарганлиги, бошқа шахсларнинг кредитлари учун кафиллик берган бўлса, уларни қандай бажарганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг йиғиндисидир. Бироқ банклар истеъмол кредитлари ва микрокредит бериш соҳасида бўлажак ва мавжуд қарздорлар тўғрисида тўлақонли ахборот олиш имкониятига ҳар доим ҳам эга бўлавермайди. Ваҳоланки, банкларда истеъмол кредитлари ва микрокредитлар бериш ҳажми кескин ўсиши туфайли қарздорлар сони ҳам ошиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, бўлажак ва мавжуд қарздорлар тўғрисида тўлақонли ахборот олишни қийинлаштираётир. Чунки қарздор тўғрисида кредит ахборотини йиғиш кўп вақт ва маблағ талаб этади. Шунинг учун ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида кўпгина мамлакатларда қарздорлар тўғрисидаги кредит ахбороти алмашинуви тизими ташкил қилинган.

**— Кредит ахбороти алмашинуви тизимининг ўзи нима?**

— Бу тизим кредит ахборотини йиғиш, умумлаштириш ва тақдим этишга ихтисослашган ташкилотлар, қарз берувчи, қарздорлар, ахборот-коммуникацион воситалари ҳамда тегишли меъёрий ҳужжатлардан иборат.

Қарздорлар тўғрисидаги маълумотни ихтисослашган ташкилотга юбориш ёки ундан олиш орқали кредит ахбороти алмашинилади. Банклар, бошқа кредит ташкилотлари, нотариат, кадастрлар, лизинг ва суғурта компанияларининг маълумотлари ахборот олиш манбаси бўлиб хизмат қилади. Кредит ахбороти юборилишининг мажбурий ёки ихтиёрийлиги маҳаллий қонунчиликда белгилаб қўйилади.

**— Кредит ахбороти алмашинуви тизими банклар, кредит олувчилар учун қандай аҳамиятга эга?**

— Аввало, берилган ахборот асосида банк қарздорнинг бошқа банклардан олган кредитлари тўғрисида маълумотга эга бўлади, масъулиятсиз қарздорни аниқлайди ва бу билан кредит қайтмаслиги хавфининг олдини олади. Иккинчидан, қарздорнинг кредитни қайтармаслиги хавфини камайтириб, унинг кредитни қайтаришдан манфаатдорлигини оширади, кредит интизомини мустаҳкамлайди. Шунингдек, кредит ахбороти алмашинуви тизимининг мавжудлиги кредит бозорида банклар ўртасида рақобатни ҳам кучайтиради.



### Банк тизими

Юқорида қайд этилганидек, ҳар бир қарздорнинг олган кредити ва уни қандай қайтарганлиги ҳақидаги маълумот Марказий банк кредит ахборотининг ягона реестрида сақланади. У мижоз кредит сўраб мурожаат қилган банкка, унинг электрон сўровига асосан, дарров тақдим этилади. Бу кредит ахборотининг ижобий ёки салбий бўлиши мижознинг аввалги кредитларини қандай тўлаганлигига боғлиқ. Ижобий кредит ахборотига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларга эса банкдан кредит олишда бир қатор енгилликлар берилади. Бошқача айтганда, уларнинг банкдан кредит олиш жараёни тезлашади, банк эса кредит таъминоти учун олинадиган гаров суммасини камайтиради. Масалан, ички тартибга кўра, кредит суммасининг 130 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги мулк гарови кўзда тутилган бўлса, ижобий кредит ахборотига эга бўлган шахсга камроқ микдорда талаб қўйилиши ёки умуман, ишончли кредит берилиши, қолаверса, кредит фоизининг ставкаси пасайтирилиши ҳам мумкин.

Агар мижоз илгари кредит олиб, шартнома мажбуриятини тўла бажармаган бўлса, кредит ёки фоиз тўловини кечиктирган бўлса, бу ҳақда кредит ахборотининг ягона реестри салбий кредит ахбороти юборади. Бундай мижозларга банк кредит беришни рад қилади ёки кредит таъминотига юқори талаблар қўяди. Уларнинг кредит олиши, табиийки, қийинлашади.

Қарздор тўғрисидаги кредит ахбороти у кредитни ўз вақтида қайтаргандан сўнг 5 йил, агар уни қайтаришда кечикишларга йўл қўйганда, камида 10 йил сақланади. Кредит ахборотининг бошқа асослар бўйича реестрдан чиқарилишига йўл қўйилмайди. Кўриниб турибдики, ҳар ким келажакда кредитни қандай олишини, қандай обрўга эга бўлишини ўзи ҳал қилади.

**— Кўпчиликда бу борадаги хорижий тажрибалар ҳам қизиқиш уйғотиши табиий...**

— Биласизми, хорижда кредит ахбороти алмашинуви тизими ҳар бир мамлакатнинг ўз хусусиятидан келиб чиқиб шаклланган. Айтайлик, Европанинг баъзи мамлакатларида кредит бюроси, бошқаларида Марказий банкнинг махсус бўлинмаси орқали амалга оширилади. Айрим мамлакатларда эса кредит ахбороти алмашинувининг икки поғонали тизими, яъни Марказий банкнинг махсус бўлинмаси ва кредит бюролари бир вақтнинг ўзида фаолият юритади.

Кредит бюролари — бу кредит ахборотини йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш билан шуғулланувчи юридик шахс бўлиб, қарздорлар тўғрисидаги кредит ахборотини кредит ташкилотлари ва бошқа истеъмолчиларга маълум ҳақ тўлаш эвазига тақдим этади. Бундай фаолият билан асосан хусусий компаниялар шуғулланади.

Шуниям айтиш керакки, Марказий банкнинг кредитор ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда банк назорати функцияларидан келиб чиқиб, айрим мамлакатларда кредит ахбороти алмашинувини Марказий банкнинг махсус бўлинмаси орқали амалга ошириш тизими ташкил этилган. Бу тизим Кредитларни давлат рўйхатига олиш ташкилоти ёки Кредит реестрлари, деб юритилади. Уларни тузишдан мақсад шуки, банкларда кредит таваккалчилигини пасайтириш ва банкларни қарздорлар тўғрисидаги кредит ахбороти билан таъминлашдир. Шу сабабли, кредит ахбороти алмашинуви тизимини сақлаш харажатларини Марказий банк ўз зиммасига олиб, кредит ахборотини банкларга асосан бепул беради.

МДҲ давлатларига тўхталсак, уларда асосан кредит ахбороти алмашинувининг икки поғонали тизими, яъни кредит бюролари ва кредит реестрларини ташкил этиш ишлари эндигина олиб борилмоқда.

**— Демак, бундан чиқди, мамлакатимизда кредит ахбороти алмашинуви тизимини ташкил этиш ва уни шакллантириш борасида анчагина ишлар амалга оширилибди-да?**

— Албатта. Хусусан, ўтган даврда банклар ўртасида кредит ахбороти алмашинувини ташкил этиш учун Марказий банк томонидан тегишли техник воситалар харид қилиниб, ишга туширилди. Кредит ахборотини қабул қилиш, жўнатиш, сақлаш ва ахборот алмашинувини ташкил этиш дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди.

Кредит ахборотининг ягона реестри шакллантирилди. Бу реестрда тижорат банклари ва уларнинг қарздорларининг кредит буюртмалари, шартномалари, кредит операциялари ва кредит таъминоти тўғрисидаги маълумотлар сақланади.

Кредит ахбороти миллий институтига кредит ахбороти юбориш мажбурий бўлиб, улар ҳозирча фақат банклардан олинмоқда. Ҳар куни минглаб кредит операциялари тўғрисидаги маълумотлар қайта ишланаётир.

Қарздорлар тўғрисидаги кредит ахборотини банклардан олиш ва уларга бериш автоматик равишда амалга оширилади. Мисол учун, кредит буюртмаси тушгандан сўнг, банк кредит олувчи тўғрисида маълумот олиш учун кредит ахборотининг ягона реестрига сўров юборади. У ердан сўралган кредит ахбороти ўша заҳотиёқ банкка юборилади. Бу ахборотнинг холислигини таъминлайди.

Шу билан бирга, қарздор ва унинг кредит операциялари тўғрисидаги ахборотни сир сақлаш ҳамда муҳофаза қилиш чоралари ҳам кўрилган. Яъни бирон-бир шахс тўғрисидаги маълумотнинг ноқонуний олинишининг олдини олиш учун банклар фақат кредит буюртмаси рўйхатга олинган қарздор тўғрисидагина кредит ахбороти олиш мумкинлиги тўғрисида электрон назорат ўрнатилган. Бунинг устига, банклар билан кредит ахбороти алмашинуви Марказий банкнинг шифрланган каналлари орқали амалга оширилади.

Ҳукумат қарорининг 5-бандига мувофиқ, Кредит ахбороти миллий институти маълумотлар базасидан мазкур ҳужжатда назарда тутилмаган бошқа шахсларга маълумотлар берилишига йўл қўйилмайди. Қарздор тўғрисидаги кредит ахборотининг ягона реестридан олинган маълумот ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Олинган маълумотлар кредит буюртмаси бўйича кредит бериш ёки бермаслик учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Чунки, қонунчиликка асосан, банк операциялари бўйича қарорлар қабул қилишда банклар мустақилдир. Улар нафақат кредит сўраган шахслар тўғрисида, балки кредит қарзи мавжуд бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа банклардан кредит олган-олмаганликлари тўғрисида ҳам маълумот олишлари мумкин.

Айни чоғда кредит ахборотининг ягона реестри фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, банклардан олинадиган ҳамда банкларга бериладиган кредит ахборотининг сифати ва сонини ошириш, кредит ахбороти алмашинувининг самарадорлигига эришиш чоралари кўриб борилмоқда.

**— Айтинг-чи, Марказий банкда кредит ахборотининг ягона реестри иш бошлагандан сўнг кредит таваккалчилигини камайтиришда қандай ўзгаришлар юз берди?**

— Ягона реестр иш бошлагач, нафақат банклар, балки кредит сўраб мурожаат қилган ва кредит олган шахслар ҳам кредит ахбороти алмашинуви тизимида ўзлари ҳақида кредит ахборотининг ҳисоби юритилаётганлигини, салбий маълумот уларнинг обрўсига зарар етказишини тушуниб етмоқдалар.

Энди хоҳ кредит олган тадбиркор бўлсин, хоҳ корхона бўлсин, уларнинг ҳар бир кредити ва у билан боғлиқ бўлган барча маълумотлар реестрда йиғиб борилади. Шундай экан, ҳар бир кредит олувчи буни яхши билиши ва тушуниши лозим. Акс ҳолда, илгариги кредитини қайтармаганлиги тўғрисидаги маълумотлар у кредит сўраб мурожаат қилган банкка тақдим этилади. Бу эса унинг кредит буюртмасининг рад этилишига сабаб бўлиши мумкин.

Яна бир янгилик шуки, институтимиз томонидан тижорат банкларига қарздорнинг ҳар бир кредити ва ҳар бир берган кафиллиги тўғрисида алоҳида маълумот берилиши йўлга қўйилди. Кредит интизоми, яъни, кредитни қайтариш муддатига риоя қилиш тўғрисидаги маълумот олиш имконияти яратилди.

Бир банкнинг бир неча филиалларидан ёки турли банклардан икки ёки ундан ортиқ кредит олган, бошқа шахсларнинг кредитлари учун икки ёки ундан ортиқ кафиллик берган шахслар тўғрисидаги маълумотлар Марказий банк раҳбариятига ва тижорат банкларига чора кўриш учун тақдим этилмоқда. Марказий банк эса бу маълумотлар асосида уларга нисбатан қатъий чоралар кўрмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда кредит ахбороти алмашинуви тизимининг меъёрий асосини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаси тайёрланди.

Мухтасар қилиб айтганда, кредит ахбороти алмашинуви тизими банкларда кредит буюртмасини кўриб чиқиш жараёнини тезлаштиради, қарздорларни кредит билан ишлашга ва ўз обрўсини сақлашга ўргатади, айни чоғда у кредит рискининг пасайишига, банк тизимида кредит интизомининг мустаҳкамланишига, кредитлаш ҳажмининг ошишига ҳамда банк назоратининг самарали ва оқилона олиб борилишига хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари Икром ЎТБОСАРОВ, Фурқат САНАЕВ суҳбатлашди.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Кучли ёмғир тўхтамаяпти



***Коста-Рикада, ўн кундирки, кучли ёмғир тўхтамаяпти. Оқибатда мамлакатда сув тошқинлари рўй бермоқда.***

Сўнгги маълумотларга кўра, 18 нафар киши ҳалок бўлди. Табиий офат юз бериши муносабати билан мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Тинч океани қирғоғига яқин жойда яшаётган аҳоли эвакуация қилинмоқда. Ҳукумат ҳисоб-китобларига кўра, 15 минг нафарга яқин аҳоли бошпанасиз қолиши мумкин.

## Қонун маъқулланди

***Туркия парламенти Ироқ шимолида курд жангариларига қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб боришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини маъқуллади, деб хабар беради Associated Press ахборот агентлиги. Парламентнинг 507 нафар вакили мазкур ҳужжатни қўллаб-қувватлаган бўлса, 19 нафар депутат қарши овоз берган.***

***Турк ҳукуматининг қайд этишича, қонуннинг қабул қилиниши тезликда ҳарбий ҳаракатлар бошланади, дегани эмас. Балки курдлар билан келишувга эришиш учун барча дипломатик воситалар ишга солинади.***

## АЭС учун тендер

***Россия Беларусда биринчи атом электр станциясини барпо этиш бўйича тендерда иштирок этишга тайёр, деб хабар беради "РИА Новости" агентлиги.***

Россиянинг Беларусдаги элчиси А. Суриковнинг қайд этишича, қиймати 4 миллиард долларни ташкил этувчи ушбу қурилишни амалга ошириш учун Россияда барча имкониятлар мавжуд. Агар тендерда Россия томони ғолиб бўлса, қурилиш ишлари 2015 йилда бошланади. Шунингдек, Россия АЭС эҳтиёжи учун ёнилғи етказиб беришни ҳам ўз зиммасига олмоқчи.



Станцияни барпо этишга Эрон ҳам қизиқиш билдирган.

## Келишмовчиликлар сабаб



**Кеча Германияда темир йўл ҳайдовчилари учинчи марта иш ташлашди. Германия машинистлари касаба уюшмаси (GDL) ва Немис темир йўллари (Deutschen Bahn) ташкилоти ўртасида вужудга келган келишмовчиликлар бунга сабаб этиб кўрсатилмоқда.**

**Зеро, шу ҳафта бошида Немис темир йўллари ташкилоти касаба уюшмасига 2008 йилдан машинистлар маоши 4,5 фоизга ошишини таъкидлаганди. Бироқ GDL раҳбарлари бу миқдор ниҳоятда кам эканлигини билдирдилар.**

## Имкониятга умид



**АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс Яқин Шарққа қилинган беш кунлик сафарини якунлади.**

**Сафар олдидан Райс Яқин Шарқдаги вазиятнинг яхшиланишига умид боғлаганди. Давлат котиби ўз мамлакатига қайтгач эса ҳудудда тинчликни ўрнатиш учун бир қанча имкониятлар борлигини таъкидлади.**

**Эслатиб ўтамиз, Кондолиза Райс Исроилга сафари чоғида Фаластин мухториятига ташриф буюриб, Маҳмуд Аббос билан ҳамкорликда анжуман ўтказди. Унда АҚШ давлат котиби мамлакат президенти Жорж Буш ва унинг маъмурияти Фаластин — Исроил ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга катта ишонч билдираётганини таъкидлади.**

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*


**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.


### Яхши хабарлар

## Муҳаммадиевларнинг «Дамас»и

Бухоро шаҳридаги Муҳаммадиевлар оилавий «Меҳрибонлик уйи»нинг бир ташвиши енгиллашди. Ижтимоий ҳимоя йили вилоят ҳудудий дастурига мувофиқ, бу уйга ҳомийлар ҳисобидан «Дамас» русумли автомашина олиб берилди.

— Бизга кўрсатилган ғамхўрлик учун ҳукуматимиздан беҳад миннатдормиз, — дейди ота-онасиз қолган ўн нафар ўғил-қизни ўз оиласи бағрига олган Роҳила опа Муҳаммадиева. — Бозор-ўчар қилганимизда, фарзандларимни сайру саёҳатга олиб чиққанда бу автомашина жуда асқотади.

**И. ИСТАМОВ.**

## Қариялар маркази

Марғилон шаҳридаги Маъмуржон Узоқов номли маданият ва истироҳат боғида кўркам ҳамда барча қулайликларга эга қариялар маркази биноси фойдаланишга топширилди. Бу марказ ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга хизмат қилади.

Куни кеча бу ерда 14 нафар ногиронга аравачалар топширилди. Шунингдек, 17 нафар пенсионерга саломатликларини тиклаш учун «Олтиариқ», «Косонсой» ва «Товоқсой» сиҳатгоҳларига йўлланмалар берилди.

**М. МАҲМУДОВ.**

*Олмалиқдаги ўлкашунослик музейи давр талаблари асосида қайта қурилди. Ана шу жараёнда унинг экспонатлари археологик қазишмаларда топилган тарихий-маданий аҳамиятга молик талай осори-атиқалар билан янада бойитилди.*

## Ноёб манбалар музейи

Эндиликда музейга ташриф буюрганлар нафақат металлурглар шаҳрининг, балки Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган кўҳна Оҳангарон воҳасининг ўтмишига оид ғоят қизиқарли маълумотларга ҳам эга бўладилар. Чунончи, азал-азалдан темирчилар юрти ҳисобланмиш мазкур ҳудудда бундан минг йиллар муқаддам ҳам мис қазиб олиниб, савдо карвонлари ёрдамида Европа мамлакатларига етказиб берилганидан огоҳ топишади. Шу боис музейда жамланган ноёб манбалар тадқиқотчи олимларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




